

“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, AUGUST,
№ 15-16 (549-550)

BUKHORO YOSHILARI



Мухаррир минбари

ВАТАН! ТИНЧЛИКНИНГ БЕТАКРОР ТАРҒИБОТИ

Ватан туйғуси орқали қалбларга кира олиш -
Тинчликнинг энг бетакрор тарғиботидир

Ўттиз тўрт йилдирки, ўз сўзимиз, тарихимиз ва динимизга эғалик қилиб келаямиз. Совет тузумининг босими остида қолган раҳбарлар, эртаю кеч далада меҳнат қилиб, оч яшаган халқ, ернинг иссиқ бағрини она қучоғи, деб катта бўлган болалик даври ўтмишда қолди. Энди билими, онгу тафаккури баланд одамларнинг “кетмони учади-ган” даври. Илгари “Ўзбекистон - биз учун ягона Ватан!” деган одам кўрқув, таҳлика ва зулм остида қолган бўлса, бугун буни ҳар биримиз кўксимиз фахрга тўлиб айтишга ҳақлимиз.

Тўғри, бир неча йил илгари Ватанни мадҳ этганга эришдек қарашди, “Ватан”, “Ватанпарварлик”, “Она диёр” каби сўзларни навбатчи сўзлардек қабул қилишди. Ўрни келса: “Бундай тантанавор ва баландпарвоз сўзларни газеталар сарлавҳасига олиб чиқишга ҳожат йўқ!” - дея “фалсафа” яратганлар ҳам бўлди. Бироқ, бироқ... шу юрт, шу диёр, шу ўлкада яшаб туриб, нега уни “Ватан!”, “Ватаним!”, “Ватанжоним!” дея таърифлашни камайтиришимиз керак?! Аксинча, унинг бор бойликларини, бор гўзалликларини, халқнинг эзгу, фазилатли иш ва жиҳатларини, кўчаларнинг ободлигини, кўкда учган қушлар парвозидан тортиб, сувдаги балиқларнинг сузишигача ва бошқа ўз-ўзимизники бўлган ҳамма неъматларни сўзимизда кўрсата олиш билан

авлодларни руҳлантира билишимиз керак. Ватан туйғуси орқали қалбларга кира олиш ҳам Тинчликнинг энг бетакрор тарғиботидир. Чунки тарихимиз – мақтагулик, бугунимиз – арзирли, келажакимиз – порлоқ!

Мамлакатнинг ободлиги ва тинчлиги йўлида меҳнат қилиш, маданият ва қадриятларимизни асраш, бирдамлик ва кўмак руҳини мустаҳкамлаш ҳар бир мустақил фуқаронинг инсонийлик бурчи. Зеро, биздаги ҳар бир эзгу фикр, ҳар бир хайрли амалнинг марказида шу юртга муҳаббат мужассам.

Мустақиллик – бизга берилган энг катта имконият. Шу имкониятдан тўла фойдаланган ҳолда Ватан меҳри ва қадрини ёшлар онгига сингдириш ҳар биримизнинг фуқаролик масъулиятимиз, инсоний бурчимиз.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллий истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини кутиб олиш ва муносиб тарзда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. “Энг улуғ, энг азиз” байрамни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда нишонлаш учун “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя остига чорлагани - қалбларга жўшқинлик улашди.

“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” — бу оддий сўзлар кетма-кетлиги эмас, балки миллат қалбдаги сўз: Ватаннинг ҳар қўргонини, ҳар гулини асраш, миллат учун унинг тили, тарихи ва қадриятларини авлодларга етказиш, халқ учун кичик эҳтиёжидан тортиб, энг катта орзусини амалга оширишгача ҳисса қўшиш, демакдир.

Осмон қуёш билан ёришади, мамлакат тонги фақат тинчлик билан! Кўчаларда хотиржам юриш, кечалари тўқ қорин билан уйкуга кетиш ва уст-бошнинг бутунлиги чўнтагимиздаги пулларнинг кучи эмас, бу – мустақил давлатда яшаётганимиз тухфаси. Зеро, Мустақиллик – биз учун фақат тарихий сана эмас, балки ҳар кунимизнинг мазмуни ва йўл-йўригидир.

Ватанимиз тинчлиги ўз-ўзидан келган эмас, у аждодлар қони ва меҳнати билан қўлга киритилган. Демак, бутуннинг ва эртанинг одамлари хурлик бахтини ҳис қилиб яшаши учун куч ва билимимизни, бор тажриба ва ғайратимизни шу Ватан равнақиға бағишлашимиз шарт.

Ватандек азиз неъмат қадрини, уни асраб-авайлаш ва авлодларга муносиб равишда етказишни ҳар бир ватандош юракдан ҳис қила олса, бу – барчамизнинг ютуғимиз!

Мустақил Ўзбекистон – бизнинг ифтихоримиз, келажакимиз ва тақдиримиз экан, шу Ватан, шу халқ ва шу миллат учун ҳаётбахш саъй-ҳаракатдан тўхтамайлик!

Лайло Ҳайитова

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА КЕЛАЖАК САРИ ҚАДАМ

Оталикқа олинган ёшларга давлат
кўмаги кўрсатилмоқда

Мамлакатимизда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, сўнгги йилларда оталикқа (васийликка) олинган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий, маънавий ва ҳуқуқий кўмак бериш борасида қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Бу каби ташаббуслар жамиятда инсонпарварлик, бағрикенглик ва масъулият туйғуларининг юксалаётганидан далолат беради. Оталикқа олинган ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларга муҳаббат ва эътибор бериш —

— Оталикқа олинган ёшлар — жамиятнинг эътибор ва ғамхўрликка муҳтож бўлган қатлами ҳисобланади. Бу тоифадаги ёшлар билан ишлаш, уларни тўғри тарбиялаш, турли жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир



давлат ва жамият зиммасидаги умумий бурчдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликлар томонидан оталикқа олинган ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида молиявий кўмаклар ажратилади. Бепул тиббий хизматлар кўрсатилади. Таълим соҳасида имкониятлар яратилиб, Уй-жой билан таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ёшлар психологик ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, жамоатчилик ва ННТларда иштирок этиш имкониятларига ҳам эгадирлар.

этишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бириктирилган раҳбар биринчи навбатда ёш билан шахсан учрашиб, унинг муаммо ва ижтимоий-руҳий ҳолатини ўрганиб уни тўғри йўлга бошлаш ва муаммосини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш лозим. Ўзига бириктирилган ёш бирорта жиноят содир этса, бириктирилган раҳбар бирдек жавобгар бўлиши давлат раҳбари топиширигида кўрсатиб ўтилган, деди Бухоро вилояти ёшлари ишлари бошқармаси бошлиғи Шавкат Раҳмонов.

► Давоми 2-бетда



Азал аввалдан тил ва ёзув одамлар орасида мулоқот воситаси бўлиб келган. Инсоният дастлаб турли суратлар, ҳаракатлар ва товуш орқали бир-бирини тушунган бўлса, бу орада асрлар ўтиб, унинг онги шаклланиб борди. Натижада дунёда 7000 мингга тил ва 100 дан ортиқ ёзув тизими пайдо бўлган. Шундан 3 мингга яқин тилдан фаол фойдаланилса, ёзувнинг 30-40 тасигина кенг тарқалган экан. Тарихий маълумотларга кўра, сўзлашув Хомо сапиенс давридан бошланган ва Она тилимиз – ўзбек тилининг шаклланиши эса 15-16 асрларга бориб тақалади. Ўзбек тили давлат тили мақомини олгунга қадар халқ ҳам, тил ҳам кўп синовлардан ўтди.

ТИЛГА МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Меросга эътибор керак

Яхшиямки, тилимиз соф ҳолда бизгача етиб келди. Аммо, баъзи ҳолларда шу бойликни асрамай, жадидлар меҳнатини қадрламай, на ёзувни ва на сўзлашувни ўз ҳолича сақлай оляпмиз. Айниқса, сўнгги йилларда, ҳатто, ҳарфларни фарқиға бормаётганлар, қайси ҳарфни қайси сўзда қўлаш кераклигини билмаётганлар ҳам кўпайиб кетди. Кўплаб сўзларнинг хато кўринишда ёзилиши бошқаларда “шу тўғри”, деган фикрни келтириб чиқаряпти. Ўйлаб қараса, илгариги йилларда мактаб ва олий таълим дарсликларида ҳам бу хатоликларга йўл қўйилмаган ва ўқитувчилар таълимида ҳам учратмаймиз. Муаммонинг “тарғиботи” эса кейинги ўн йилликда пайдо бўлди ва жуда кучайди.



Тўғри тарғибот муҳим

Бугун, ҳар бир ёзувчи, ҳар бир ўқувчи, ҳар бир ахборот воситаси ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси тил олдида масъулдир. Агар ҳар ким “Менинг сўзим, менинг ёзувим бошқаларга намуна бўлади”, деган онгда ҳаракат қилса, тил яна ўз қадр-қимматиға қайтади. Бу борада фақат танқид билан чекланиши етарли эмас. Чунки, масалага аниқ ечим билан ёндашиш уни бартараф этишда асосий йўл саналади. Саводли ёзишни тарғиб этувчи китоблар,

телевидение кўрсатувлари, матбуотдаги махсус саҳифалар, мактабларда ижодий иш, диктант ва иншолар ёзиш сабоқлари бунга ҳисса қўшса, ёшлар аксарият вақтини сарфлаётган ижтимоий тармоқларда “тўғри ёзув” флешмоблари сонини ошириш ҳам тилни асрашда ёрдам беради. Агар айни дамда ҳарфнинг фарқиға борилмаса, эртага маъно йўқолади. Маъно йўқолса, миллатнинг маънавий кучи сўниб бораверади. Тилга ҳурмат – ўзлгимизга ҳурмат. Шу

боис, ҳар сўзга, ҳар ҳарфга масъулиятни ҳис қилиш пайти аллақачон етиб келган. “Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши”, дейишганидек илмсизлик келажак авлод учун “мерос” қолиб кетмасидан ортга қайтариш ва ёзиш саводини билмаганларга тушунтириш - энг тўғри йўлдир.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“БҲО” мухбири.

(давоми, боши 1-бетда)

Маълумотга кўра, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган 3 814 нафар ёшлар 6 та ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа идораларининг 419 нафар масъулига оталиққа берилган.

Бундай ёшларнинг 641 нафари мудофаанинг 197 нафар масъулига, 1692 нафари ички ишларнинг 82 нафар ходимига, 234 нафари Миллий гвардиянинг 8 нафар ходимига, 452 нафари фавқулодда вазиятлардаги 46 нафар масъулга, 368 нафари прокуратуранинг 25 нафар ходимига, 427 нафари адлиядаги 61 нафар ходимга оталиққа берилган.

Бугунги кунга қадар бу ёшларнинг 54 фоизи (2 059 нафари) соғломлаштирилган.

Жумладан, ёшларнинг 170 нафари пробация ҳисобидан, 251 нафари профилактик ҳисобдан чиқарилган. 112 нафари иш билан таъминланган. 121 нафари ўзини-ўзи банд қилди, 273 нафари таълимга жалб этилган ҳамда 316 нафари тартибли миграцияга юборилган. 37 нафарига кредит берилган. 163 нафарининг оилавий ажримини олди олинган. 8 нафари ҳарбий хизматга юборилиб, 608 нафарига бошқа йўналишларда ёрдамлар кўрсатилган. Шунингдек, 12 нафари билан ёт ғоялар таъсиридан чиқариш бўйича шуғулланилмоқда ва агрессив ҳулқ-атвордаги 1 000 нафари спортга жалб этилган.

Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда ёшлар ташкилоти раҳбари вилоятнинг қатор туманларида бўлиб, ўзларига бириктирилган оталиққа олинган ёшлар билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишга киришишди. Ёшлар билан индивидуал суҳбат қурил-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА КЕЛАЖАК САРИ ҚАДАМ

Оталиққа олинган ёшларга давлат кўмаги кўрсатилмоқда



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

ди. Шунингдек, миграциядагилар билан видеоконференцалоқа тарзида суҳбатлашиб, муаммолари ўрганилди.

Оталиққа олинган ёшлар тўлиқ қамраб олинган ҳолда қучурулаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркалари

ташқил этилди. Ёшлар турли касб-хунар таълимига жалб этилди. Кўплаб ёшларга озиқ-овқат ва кийим-кечаклар берилди.

Айниқса, ёшларнинг муаммоларини ҳал қилиш билан бир қаторда, уларни биринчи навбатда ватанпарварлик, юртга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, “Оталиққа олинган” ёшлар билан ишлашда “оғир” тоифага киритилган, уюлмаган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда ёшларни қийнаётган муаммоларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги топшириқлар ижроси республика ишчи гуруҳ аъзолари томонидан назоратга олинган.

“Оталиққа олинган ёшлар билан Мудофаа тизимида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Уларнинг қизиқишлари, интилишлари ўрганилди. Учрашув ва суҳбатлар уюштирилди. Бунда ёшлар ҳарбий хизмат тартиби, яратилган шароитлар ва имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот олдилар. Ҳарбийлар билан мулоқотлар, айниқса, улар учун унутилмас таассуротлар ва янги илҳом манбаи бўлди, дея оламан. Ёшлар Ватан ҳимоячилари ҳаёти билан яқиндан танишиб, ҳарбийлик касбининг шарафли жиҳатларига гувоҳ бўлишди. Ҳатто, улар орасида ҳарбий бўлишни мақсад қилганлар ҳам борлиги бизни жуда қувонтирди”, - дейди Бухоро вилояти Алоҳида ишлаш талаб этиладиган ёшлар билан ишлаш бўйича штаб раҳбари Абдуқодир Абдуллаев.

Бухорода ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг барчаси болаларнинг ҳаётда тўлиқ ҳуқуқли фуқаро сифатида шаклланиши, таълим-тарбия олиши ва муносиб келажак қуришини таъминлашга қаратилган. Бу саъй-ҳаракатлар давомли ва барқарор бўлиши учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси масъулият ҳисси билан ёндашиши, меҳр ва ғамхўрликни ўзида мужассам этиши зарур. Чунки болалар келажаги — мамлакат келажагидир.

“Тушунса бўлди”...ми?

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, хато ёзув ва нотўғри талаффузлар, асосан, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаяпти. Айниқса, тилда “ёрқин чиқишлар” қилишга уринаётган баъзи контент яратувчилар нутқдаги ва ёзувдаги хатоларни англамаган ҳолда оммалаштириб юборяпти. Бу ҳолат эса уларни кузатаётган минглаб ёшларда нотўғри шаклни “шу тўғри” дея қабул қилишига асос яратади. Тилни бузмасдан ва сустлаштирмасдан илгарилаш керак бўлган асрда, тилга жиддий таҳдид солинаяпти. Айримлар бунга енгил қарайди: “Ахир тушунарли-ку!” - дейишади.

Бугун “тушунарли” бўлган қараш эртага адабий тил меъёрларини йўққа чиқариши хавотири кўпроқ. Бундай вазиятда ҳозирги бепарволик эртанги саводсизликка айланиши ҳеч гап эмас! Саводсизлик фақат хат олиш-беришда эмас, балки миллатнинг фикрлаш даражасида, интеллектуал қудратида ҳам намоён бўлади. Тилни жонли организм десак, уни боқмаса, соғлом сақламаса, аста-секин етишмовчиликлар ошаверади.

Тўғри, ҳар бир даврда тилга янги сўзлар кириб келган, лекин, улар шевачилик ёки норасмий услуб орқали эмас, илм ва маданият орқали бойитилган. Ҳозир эса тилнинг заифлашишига турли оммавий воситалари, тармоқлардаги шошма-шошарлик, тилга нописанд ёндашув сабаб бўлаяпти. Бундай шароитда фақатгина таълим тизими ёки тилшунос олимларнинг саъй-ҳаракатлари камлик қилади.

Дилнавоз

Хар бир миллат тарихида шундай улуг сана борки, у эркинлик, озодлик ва тараққиёт рамзи сифатида эъзозланади. Ўзбекистон Республикаси учун бундай муқаддас кун — бу Мустақиллик байрами ҳисобланади. 1991 йилда қўлга киритилган истиқлол халқимизнинг ўз тақдирига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини таъминлади. Барча соҳа ва йўналишларда янги ривожланиш йўлини очди. Биз Бухорода ўз фаолиятини олиб борилаётган Олий таълим даргоҳлари ректорларини “Мустақиллик ректор нигоҳида” рукни остига чорладик. Улар мустақилликнинг ўз фаолиятларига ундовчи куч бўлгани борасида ўз мулоҳазаларини билдиришди.



Ректор учун муҳим мезон: ТАЛАБА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

Обиджон Ҳамидов,
Бухоро давлат университети
ректори



Мустақиллик менинг раҳбарлик фаолиятимда ислохотлар, янгиланишлар ва тараққиётнинг асосий ундаб турувчи кучидир. Айниқса, таълим тизимидаги эркинлик, университетларимизнинг мустақил қарор қабул қилиш мақомига эга бўлгани, кадрлар тайёрлашда миллий ва халқаро мезонларни уйғунлаштириш каби имкониятлар, айнан, истиқлол туфайли амалга ошмоқда. Луғатимизда “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс” сўзлари жамиятимиз ҳаётида янада тиниқлашиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар аниқ натижалар бермоқда. Ўтган йили юртимиз ёшлари “ТОП-500” талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Бугунги кунда 30 нафар йигит-қиз дунёдаги “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1 минг 500 нафари “ТОП-300”дан жой олган нуфузли университетларда таҳсил олмоқда.

Айнан мана шу ҳолат мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгаришлар ва ислохотлар қўламини кўз олдимдан ўтказди. Бир таълим соҳаси вакили, йирик давлат олийгоҳи ректори сифатида сўнгги саккиз йилда ёшларни таълим олиши ва уларни шаклланиб, ривожланиши йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, таълим соҳасида эришилган ютуқ ва натижаларни кечаги давр

билан қиёслаб бўлмас даражада ўзгарганини эътироф этишим даркор. Бухоро давлат университети халқаро миқёсдаги эътирофга сазовор: Times Higher Education Impact Rankings 2025-халқаро рейтингидан 601-800 ўринлар оралиғидан муносиб ўрин эгаллади. Республика олийгоҳларининг ичида биринчилардан бўлиб, бизнинг олийгоҳ ACQUIN аккредитациясидан ўтиш арафасида. Буларнинг бари мустақиллик неъматини, юртимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистонни барпо этиш ёхуд Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш борасида амалга ошираётган ислохотлари натижасидир.

Талабаларимиз, нафақат, таълимда, балки жамоатчилик фаолиятида, стартапларда, инновацияда ҳам фаол қатнашмоқда. Таълим сифатини ошириш ва талабаларни мустақил, танқидий фикрлайдиган, жамиятга фойдали шахслар сифатида тарбиялаш - ректор учун энг муҳим масъулият. Мақсади эса - талаба асосий ролда, уларнинг салоҳиятини очиш. Бу ректор сифатида мен учун, энг муҳим мезонлардан биридир.

МУСТАҚИЛЛИК

МУСТАҚИЛЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Шухрат Тешаев,
Бухоро давлат Тиббиёт
институтини ректори



Хар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам улкан ислохотлар, янгиланишлар кечмоқда. Мен мустақилликнинг билим ва маърифат соҳасидаги амалий самарасини ўз таълим муассасамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар мисолида қўраман.

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат Тиббиёт институтини — истиқлол фарзанди. У Ўзбекистоннинг таълим флагманларидан бирига айланиб улгурган. Мустақиллик билан ҳамнафас ривожланган институтимиз 1993 йилда ташкил этилган бўлса-да, айти мустақиллик кунларида, яъни 1991 йилнинг сентябрида илму-таълимга пойдевор қўйилган. Ушбу институт Мустақилликнинг эгизаги, у билан бирга ривожланиб бораётган олий таълим муассасаси, десам муболаға бўлмайди.

Институтнинг янги ўқув бинолари, лабораториялар, ахборот ресурслари марказлари, замона-

вий стандартларга мос равишда реконструкция қилинган кампус ҳудуди ҳақида тўхталмоқчимасман. Зеро, булардан тортиб, институт олимларининг миллий ва халқаро грантларда фаол қатнашиб, инновацион лойиҳаларни амалга оширишаётгани, қатор халқаро олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланаётгани, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилгани ва бошқалар хусусида кўпчилик тўла маълумотга эга.

Мени қувонтиргани — бундан бир неча йилча илгари айти мустақиллик тантаналари нишонланаётган паллага янги компютерга кўчиб ўтганимиз. Бу улкан

муваффақиятлардан. Хабарингиз бор, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан институт қошида янги клиниканинг ташкил этилишига шахсан имконият яратилди. Бугун янги клиника халқаро стандартларга мос бўйламоқда. Ишонсангиз, мен бунини 30 йил орзу қилганман. Бу, нафақат, Бухоро, балки Ўзбекистон учун катта туҳфа бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида шаклланган илк қадамларимиздан то бугунги кундаги халқаро таълим майдонига интеграция қилинаётган институтга бўлган босқичлар — фақат ислохотлар, меҳнат ва мустақам ироданинг натижасидир.

Шу кунларда дунёнинг бир нечта кучли рейтингларида турибмиз. Айти пайтда нигоҳимизда: “Quest”, “Time” ҳамда “Education”лар бўйича яқин орада кучли мингталикдаги олийгоҳлар таркибига кириш. Ният қиламизки, мустақилликнинг 34 йиллиги бу мақсадимизга елка тутати.

Мустақиллик - тарихий имконият. Тарихнинг шу улкан силсиласи олдида ундан тўғри фойдаланиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз.

“Мустақиллик - тарихий имконият. Тарихнинг шу улкан силсиласи олдида ундан тўғри фойдаланиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз.

ИЛМИЙ МАКТАБЛАРНИ ЯРАТАЙЛИК

Баҳодир Маъмуров,
Бухоро давлат Педагогика
институтини ректори



Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда таълим соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бухоро давлат Педагогика институтини ҳам ана шу тараққиёт жараёнларининг фаол иштирокчисига айланди. Мустақиллик йилларида институт инфратузилмаси, таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди.

Институтимиз мустақиллик йилларида таълим тизимидаги муҳим ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб, миллий ва халқаро миқёсда нуфузли таълим масканла-

ридан бирига айланиб бормоқда. Бу жараёнда институт раҳбарияти, айниқса, ректорнинг билимли, ташаббускор ва замонавий бошқарув кўникмалари муҳим ўрин тутати. Бу борада қандай натижаларга эришяпмиз, бунга, эса баҳони жамият беради.

Таълим жараёнида замонавий ёндашувлар жорий этилди. Кредит-модул тизими, интерактив усуллар, рақамли таълим платформалари таълим мазмунини тубдан ўзгартирди. Талабалар тақдири - нигоҳимиз марказидаги асосий қадриятга айланди.

Ректор сифатида мустақиллик шахсан менга илмий мактабларни яратиш, миллий педагогикамизни қайта тиклаш, замонавий тадқиқотларга кенг йўл очиш имконини берди. Ҳозирги кунда институтимизда

фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчилар томонидан юзлаб илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қувонарлиси, бизнинг дунёга чиқиш имкониятларимиз кенгайди. Бугун Бухоро давлат Педагогика институтини жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорликда турли йўналишларда қўшма лойиҳалар олиб бормоқда. Талабаларнинг хорижда тажриба алмашинуви, ўқитувчиларнинг стажировкалари, халқаро конференциялар — буларнинг барчаси бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик - менга раҳбар сифатида улкан имконият билан бирга масъулият ҳам юклайди. У ҳам бўлса ёш авлод келажаги учун хизмат қилиш, уларни замонавий билим ва кўникмаларга эга, ташаббускор ва ватанпарвар мутахассислар қилиб тарбиялаш масъулиятидир.

РЕКТОР НИГОҲИДА

Сухроб Деҳқонов,
Осиё халқаро университети ректори

Мен, Мустақилликни янги имкониятлар, кенг салоҳият ва ёшларга бўлган ишонч руҳи, деб биламан. “Мустақиллик ректор нигоҳида” деганда эса мен, нафақат, эркин қарорлар, балки, туб ислохотлар шароитида етук кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, дунёга очик таълим муҳитини яратишга интилган раҳбарлик фалсафасини тушунаман.

Мустақиллик - КУЧЛИ БЎЛИШГА, ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАСЛИККА ЎРГАТДИ

Айнан мустақиллик йилларида юртимизда олий таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, бизнинг Осиё халқаро университети ҳам замонавий таълим муассасалари сифатида бўй кўрсатиб, халқаро андозалар асосида ёшларга таълим бериш имконини яратди.

Мазкур олийгоҳда таълим жараёнлари, талабаларнинг ташаббуслари ва илмий изланишлари юқори натижаларга эришиш тамойилига асосланган. Бизнинг ютуғимиз - таълим фаолиятини миллий қадриятлар ва замонавий илмий ёндашувлар уйғунлигида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилганида.

Хабарингиз бор, 2025–2026-ўқув йили учун университетдаги қабул жараёнлари ўтган йилга нисбатан янада такомиллаштирилди. Таълим йўналишлари ва инфратузилма имкониятлари оширилди. 35 та бакалаврият, йўналишлари, 14 та магистратура, шунингдек, ординатура ва докторантура йўналишлари ташкил этилди. Янги ўқув йили учун 200 та грант ўрни

ажратилди, бу эса иқтидорли ёшлар учун таълим олиш имкониятларини кенгайтди.

Қабул жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилиб, онлайн платформа орқали амалга оширилади, бу, албатта, шаффофлик ва қулайликни таъминлайди.

Шартнома асосида тахсил олаётган талабалар учун янаям қулай тизим яратилдики, улар энди тўловни 4 га бўлиб тўлаш имконига эга. Ҳар йўналишда ютуқ ва муваффақиятлар ҳам салмоқли: иқтидори, билим даражаси юқори ўқитувчи талабаларнинг меҳнатлари, изланишлари эътиборда - моддий рағбатлантириб борилади. Хориждаги стажировкалар орқали билим ва тажрибасини ошириб қайтаётганлар ҳам талайгина.

Барча эришувлар мустақиллик даври берган имконият ва бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш йўлида ҳаракатдан тўхтамаганим натижаси, деб биламан. Зеро, мустақиллик – шахсан ўзимга ҳар доим кучли бўлишга, янгиликлар яратиш, изланишлардан тўхтамасликка ундаб келди. Ректор сифа-

тида фаолият юрита бошлаган кунимдан то ҳозирга қадар шу илм даргоҳида ўзим бажаришим керак бўлган асосий масъулият - таълим сифатини ошириш, инновацион ёндашувларни жорий этишдан бир зум ҳам чекинмадим. Бугунги кунда Бухоро шаҳрида 5 та замонавий ўқув биноси қад ростлаган. Хоразмда филиал ташкил этилди. Бундан ташқари, ОХУ MED DENTAL маркази, Фармацевтика мини-заводи, Симуляция ва клиник базалар фойдаланишга топширилди. Ҳиндистон, Покистон, Непал, Миср, Швеция, Бангладеш ва Марокаш каби 7 давлатдан 100 нафар талаба ҳам тахсил олмоқда.

Талабаларимиз хорижий тилларни, илгор технологияларни ўрганиш ва дунё миқёсида рақобатбардош мутахассис бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса келажакда янги лидерлар, тадқиқотчилар ва ислохотчилар етишиб чиқишига замин яратмоқда. Бунинг барчаси илм ва меҳнат самараси. Бу самарага эришишда юртимиз мустақиллиги, шубҳасиз, йўлчи юлдуз бўлди.

МЕНГА БЕРИЛГАН ИШОНЧ ВА ЖАВОБГАРЛИК МАНБАИ

Мирали Ҳамроев,
“Зармед” университети
Бухоро кампуси ректори

Мустақиллик бу янги ҳаёт, эркин яшаш, чекловсиз таълим олиш, демакдир. Урф-одатлар тикланиши, маънавиятнинг ўсиб бориши ва халқаро даражадаги ғалабаларга эришилаётгани, албатта, мустақиллик меваси. Айниқса, таълимдаги кенг шароитлар ва эришилаётган ютуқлар бунинг исботи бўла олади. Ҳар соҳада ривожланишга имконият эшиги.

Ректори сифатида ёшларнинг илмга чанқоқлигини, юртга муҳаббатини ҳаракатларини кўриб қувонаман. Уларни олийгоҳда қулай шароитларда илм олишлари учун етарлича имкониятлар яратилган. Маънавий тикланиш жараёнида бизнинг муассаса ҳам фаол иштирок этмоқда. Халқимиз тарихи, адабиёти, санъати ва тилини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Университетимизда 21 та йўналиш бўлиб, барчасида таълим сифати, илмий салоҳият ва талабаларга яратилаётган шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида бир қатор ислохотларни амалга оширдик. Бу ислохотларни бажаришда менга мустақиллигимиз асос солган фикрий эркинлик ва ташаббускорлик руҳи ёрдам бермоқда.

Юртимизнинг мустақиллиги биз раҳбарларга танловда эркин бўлиш, инновацияларни жорий этиш ва энг

муҳими, ёшларимизни глобал майдонга тайёрлаш йўлини очади. Шу орқали келажакни бугунгидан-да, ёрқин қилишга ҳисса қўша оламиз. Қолаверса, ёшлар — истиқлол таянчи экан, Олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар — бугунги ва эртанги Ўзбекистоннинг ривожига ҳисса қўшаётган фидойилардир. Улар, нафақат, билим олиш, балки тадбиркорлик, ихтиро, инновация соҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мен ўзимники бўлган Ватанда, келажакнинг ишонч тимсоли – мустақилликда шу юрт хизматчиси эканман, ўзимга берилган ишонч ва зиммамга юклатилган улкан масъулиятни жавобгарлик, деб биламан. Ва мен ишонаманки, бизнинг университет вилоят, балки мамлакатимизга муносиб кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг учун эса менда етарлича мотивация — юртимизнинг эркинлиги ва халқимизнинг ишончи бор.

ИСТИҚЛОЛ - ТАЛАБАГА ИЛҲОМ, ЎҚИТУВЧИГА ЎЗГАРИШ, РЕКТОРГА МАСЪУЛИЯТ БЕРДИ

Садоқат Сиддиқова,
Бухоро давлат Техника
университети ректори

Менинг фаолиятимда мустақиллик — ислохотлар ва янгиланишлар ҳаракатидаги асосий куч, ундовчи тамойил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик менга раҳбар сифатида фақат имконият эмас, балки масъулият ҳам юклади. Бу масъулият — ёш авлоднинг келажакни қуриш, уларга замонавий билим бериш, Ватанга садоқатли, билимдон ва ташаббускор



мутахассислар тайёрлаш масъулиятидир.

Бухоро давлат Техника университетиде амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик доирасининг кенгайиши - ёшларимизнинг глобал рақобатга тайёр кадр сифатида етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Университет 3 та нуфузли рейтинглардан “heroteg” мақомига, Барқарорликни таъминлашга интилган университетларнинг глобал рейтинги Greenmetric кўрсаткичда 858-ўринни, Осиёнинг энг яхши университетлари рейтингидан 905-ўринни эгаллади. Илгор муҳандислик мактаби яратилди. 58 та ишлаб чиқариш корхонасида кафедра филиаллари

ташкил этилиб, уларда 500 нафардан ортиқ талабалар ҳақ тўланадиган дуал таълим асосида тахсил олиб келмоқда. Таълим жараёнини рақамлаштириш доирасида дарс жадвали автоматлаштирилган тизим орқали тузилиб, давомат Face ID тизими орқали йўлга қўйилди.

28 та илмий марказ, 445 минг АҚШ доллари миқдорида замонавий “Машинасоз” технопарки, 750 ўринли талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг бари истиқлол берган неъматлар туфайли.

Таълим сифатини ошириш энг олий мақсадимиз экан, аввал ўзгаришни ўқитувчида, масъулиятни - ректорда, илҳомни - талабада, имкониятни эса мустақилликда топамиз!



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

Бухоро зардўзлиги

ОЛТИН ИПДАГИ САНЪАТ

Бухоро асрлар давомида, нафақат, Ипак йўлидаги муҳташам савдо маркази, балки миллий ҳунар ва санъатнинг бетакрор ўлкаси сифатида ҳам ном қозонган. Ушбу қадимий шаҳарда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган энг юксак санъатлардан бири — бу зардўзлик ҳисобланади.

Бухоролик машҳур уста зардўз Бахшулла Жумаев қадим гўшада зардўзлик санъати илдизи 2 минг йилдан зиёд тарихга эгалигини билдирди.

- Бухоро зардўзлик мактаби ўзининг бетакрор услуби ва юксак санъат даражаси билан ажралиб туради. Эътиборли жиҳати, аслида, бу санъат тури билан эркаклар шугулланган. Кейинчалик 70-йилларга келиб, зардўзчилик фабрикаси ташкил этилган. Рафиқам Муқаддас Жумаева каштачилик билан машғул. Хуллас, ҳамма миллий ҳунармандчилик билан банд. 500 дан ортиқ шогирдларим бор. Уларнинг бир қисми билан ҳали-гача бирга ишлаб келаётган бўл-

шугулланиб келяпман. 1997 йилда Ҳунарманд уюшмаси ташкил этилгани муносабати билан ҳунармандларга ер ажратиб бериш масаласи қўйилганди ва биз эски шаҳарнинг қоқ юрагида зардўзлик мактаби фаолиятини йўлга қўйдик. Айнан шу манзилдан ҳам уй, ҳам музей, ҳам устахона сифатида фойдаланиб келмоқдамиз. Катта ўғлим Бобуржон — миниатюрочи расом. Нодир заргарлик билан шугулланади. Келинларимиз аёллар либоси дизайнери. Рафиқам Муқаддас Жумаева каштачилик билан машғул. Хуллас, ҳамма миллий ҳунармандчилик билан банд. 500 дан ортиқ шогирдларим бор. Уларнинг бир қисми билан ҳали-гача бирга ишлаб келаётган бўл-

сак, бир қисми ўз йўлини топиб, ҳавас қиларли устахоналар очиб кетишди. Бор бўлишин! - дейди Бахшулла Жумаев.

Суҳбатдош 2022 йилда ярим асрлик меҳнат фаолияти уйғунлашган “Зардўзлик санъати” номли китоб ёзгани ҳақида сўзлайди. - Бунда тарих мужассам.

Устазода зардўзларнинг ҳаёт ва фаолият йўли битилган. Расмлар ва маълумотлар мавжуд. Китобхонни ўзига чорлайди! - дея китоб саҳифаларини бир-бир варақлайди Бахшулла Жумаев.

Бетакрор ва жозибали китобни кўриб, кўз қувнайди: унда Бухоро зардўзчилигининг буюк йўли гўё олтин ва кумуш толаларда тикилган маржонга қиёс.

Уста зардўзнинг уй музейида завқ билан саёҳат қилар эканмиз, деворда осиглик турган Диплом ва Ташаккурномаларга ҳавас билан кўз югуртираемиз. 31 йил илгари Покистонда ўтказилган Ҳунармандлар фестивали гранприсини қўлга киритган экан. Халқаро ва дунё миқёсида ташкил этилган кўргазмаларидаги муваф-

фақиятларининг сон-саноғи йўқ.

- Зардўзлик фаолиятим давомида ҳеч қачон 2-ўринни эгаллаган эмасмиз. Ҳамиша биринчи ғоғонада юрганмиз! - дейди мийиғида кулиб Бахшулла Жумаев, - зардўз буюмлар, нафақат, Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш уйғотиб келган. Хусусан, Бухорои шарифга ташриф буюрувчи минглаб сайёҳлар миллий ҳунармандчилик намуналари, айниқса, зардўзлик санъатига катта қизиқиш билан қарашади. Улар зардўзлик буюмларини, нафақат, совға сифатида сотиб оладилар, балки, ушбу санъатнинг яратилиш жараёнига ҳам ҳавас билан гувоҳ бўладилар.

Зардўзларнинг ишлари дунё мамлакатларида ҳам эътироф этилмоқда. Турли давлатлардан келган меҳмонлар тикилган чопонларга, духобаларга, камар ва пардаларга мафтун бўлиб, уларни завқ билан томоша қиладилар, сотиб оладилар. Лекин, улар фақат гўзалликни эмас, юрак меҳнати, сабр ва муҳаббатни ҳам олиб кетадилар. Чунки, ҳар бир зардўзлик буюми — уста қалбининг бир бўлагидир.

Мир Али Ҳиравий

ХАТТОТЛИК САНЪАТИ УСТАСИ

Ёзув ихтиро қилиниши инсонларга ўз фикрини моддий жиҳатдан сақлаб қолишга имкон берди. Асрлар давомида турли халқлар турлича ёзувларни кашф қилишди. Ўрта Осиё халқлари ҳам тарихан бир неча турдаги суғд, хоразм, бохтар, ўрхўн-энасой, уйғур, руний, форс, араб, кирилл, лотин ва бошқа ёзувлардан фойдаланишди. Шулардан энг узоқ вақт давомида фойдаланилгани ва аждодларимиз тарихи битилгани бу - араб ёзуви.

Ўрта асрлар диний маданиятининг кўпгина шаклларида хаттотчилик - бадий ёзув санъати аниқ, чиройли ва равшан бўлиб борди.

Дастлаб, хаттотлик санъати VII-X асрларда Араб халифалигининг марказий шаҳарлари - Макка, Кўфа ва Басрада яратилган.

Ўрта Осиёда бешта йирик хаттотлик мактаблари вужудга келган: Бухоро, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент хаттотлик мактабларидир.

Бухоро хаттотлик санъати мактабининг бой тарихи мавжуд.

Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик вакили, Бухоро хаттотлик мактаби асосчиларидан бири, “Котиби Султоний” номи билан машҳур бўлган Мир Али Ҳусайний Ҳиравий XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда дунёга келган. Темурийлар даврида Ҳиротда вужудга келган маданий муҳитда тарбияланган Мир Али Зайниддин Муҳаммаддан хаттотлик сирларини ўрганди. У ёшлигиданоқ моҳир котиб сифатида танилиб, аввалига Ҳирот ҳукмдорлари девонхоналарида, кейинчалик эса Султон Ҳусайн Бойқаро

саройида котиб бўлиб ишлайди. У шу даврда Алишер Навоийнинг назарига тушади ва укаси Дарвешали хизматида ижодни бошлайди. Бу кутубхонада кўплаб хушнавис котибу хаттотлар ва моҳир наққошу мусаввирлар ижод қилишган, улар ичида Мир Али ал-Ҳиравий ўз моҳирлиги билан алоҳида ўрин тутган (1476 -1529).

XVI аср бошларида Ўрта Осиёда ташкил топган Шайбонийлар сулоласи вакили Убайдуллоҳон (1487 1540) Ҳиротни ишғол этгач, бу шаҳарнинг кўплаб олимлари, адиблари ва санъаткорларини ўзи билан Бухорога олиб келади. Улар хаттотлик санъатини Бухорода ривожлантиришган.

Ҳар бир хаттот маълум бир ёзув турида мукаммалликка эришган. Фақатгина санокли котиблар барча хатларда китобат қила олишган.

Хаттотлиқнинг етти тури бўлиб, Мир Али шогирдларига ушбу ёзувларни амалий ўргатиш билан биргаликда, назарий илм бериш мақсадида “Метод ул хутут” номли рисолаи ёзиб, унда хаттотлик қоидаларини баён этган. Бундан ташқари, у маҳаллий хаттотларга сабоқ бериш орқали Бухоро хаттотлик мактабининг равақ топишига катта ҳисса қўшади. У Мирхусайн Кўланкий Бухорий, Мирҳайдар Ҳусайний Бухорий, Мирчала Бухорий каби хаттот шогирдлари бўлган.

Мир Али Ҳиравий томонидан кўчирилган 30 дан ортиқ қўлёзма китоб ва 400 дан ортиқ қитъалар Ўзбекистон, Туркия, Араб, Россия, АҚШ, Европа давлатларининг

музей, кутубхона ва архивларида сақланмоқда.

Хаттотлик санъати меъморчиликда ва халқ амалий санъатида ҳам кенг фойдаланилган.

Бухородаги Мир Араб мадрасаси (937/1530-31йил) безаш ишларида Мир Алининг ҳиссалари катта бўлган. Мадраса ичкараси биринчи қаватида, ҳовлидаги шимолий ва жанубий пештоқлар равоқларида Мир Али ал-Ҳиравий ал-Фатҳабодий, деган хаттот томонидан бажарилган нақшинкор китоба битик мавжуд.

Бухоро давлат музей —қўриқхонаси қўлёзмалар фонди рўйхатида 7000 тадан ортиқ экспонат рўйхатга олинган. Шулар ичида нодир хаттотлик намунаси Мир Али ал-Хиравий қаламига мансуб қитъа ҳам музей кўргазмасида намоиш этилмоқда. Бу нодир музей экспонати 1987 йил Бухорода яшаган Ф.Водопшиндан музей маъмурияти томонидан сотиб олинган.

Бу нодир хаттотлик намунаси ҳозирги пайтда “Арк” ўлкашунос-лик музей филиали Жомеъ масжиди “Хаттотлик санъати” кўргазмасидан ўрин олган. Ташриф буюрувчиларнинг қизиқиш ва эътиборига сазовор бўлмоқда.

Мир Али ал-Хиравий қабрлари Бухоро шаҳри Сайфиддин Бохарзий хонақо хилқохонасида жойлашган. Бу шарафга хаттотлик санъатига қўшган ҳиссалари сабабдир. Бу ерда Сайфиддин Бохарзий, у кишининг икки ўғиллари Жалолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутаҳҳар, неваралари Абу Муфохир Яхё, эваралари Хованд Бурхониддин ва Руҳиддин Шайх Довуднинг қабрлари жойлашган. Ҳозирги пайтда бу манзилда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бобур Қобиров,
“Арк” ўлкашунослик
музей филиали мудири.

СУД ЖАРАЁНЛАРИНИ ЁРИТИШ: ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар

Самарқанд шахрида Бухоро, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларида фаолият юритаётган журналист ва блогерлар иштирокида “Оммавий ахборот воситаларида суд органлари фаолияти ва суд жараёнларини ёритишда журналист ва блогерларнинг касбий малакасини ошириш” мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Олий суд ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси офиси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир икки кун давом этди.

Бунда мамлакатимиз суд ва ҳуқуқий журналистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ахборот олиш эркинлиги ҳамда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ўртасидаги мувозанат, суд жараёнларини ёритишнинг замонавий ёндашувлари ҳамда халқаро тажриба атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу тадбирда суд идоралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, мустақил ҳуқуқшунослар, журналистлар ҳамда хориждан таклиф этилган тажрибали экспертлар иштирок этди.

Тадбирнинг асосий мақсади - суд тизими очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик ишончини оширишда ҳуқуқий ёритишнинг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтиришдан иборат бўлди.

Ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар таҳлили

Суд жараёнларини ёритишда журналистлар учун амалга оширилиши лозим бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий талаблар, ахборот тарқатиш чоғида масъулият масалалари кенг муҳокама қилинди. Бунда иштирокчи шахсларнинг шахсий ҳаёти

дахлсизлигига риоя қилиш, таъйик ёки бир ёқлама ёндашувларга йўл қўймаслик, айбсизлик презумпциясига амал қилиш каби муҳим қоидаларга урғу берилди.

Суд ва ҳуқуқий журналистиканинг замонавий тенденциялари

Суд журналистикаси фақат суд ҳукмларини ёритиш эмас, балки жамоатчилик учун ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган кенг қамровли фаолият экани қайд



этилди. Журналистлар суд материалларини таҳлил қилиш, уларни содда ва аниқ шаклда жамоатчиликка



етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.



Хорижий мутахассислар томонидан суд ва ҳуқуқий ёритиш соҳасидаги халқаро амалиёт ҳақида маълумотлар тақдим этилди. Айниқса, Европа давлатларида суд жараёнларининг очиклиги, медиа билан ҳамкорлик механизмлари ва турли форматлардаги ҳуқуқий журналистика лойиҳалари ҳақидаги тажрибалар иштирокчилар учун катта қизиқиш уйғотди.

Европа Иттифоқи ва Европа Кенгашининг минтақавий бирлашган лойиҳаси доирасида Эрканда Бужари (Канада) ва “Deutsche Welle” катта муҳаррири Пандели Пани (Германия) томонидан сўз эркинлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги масалаларига эътибор қаратилиб,

Семинар доирасида бундай ташаббусларнинг доимийлигини таъминлаш, маҳаллий журналистлар учун малака ошириш курслари, онлайн тренинглар ва методик қўлланмалар тайёрлаш таклифлари илгари сурилди.

Судлар қандай ёритилади?

Судларни қандай ёритиш масаласи ҳақида сўз кетганда, ахборот ва масъулият ўртасидаги мувозанат муҳокама қилинди. Пандели Пани “Суд ҳақида ёзиш учун фақат қалам эмас, билим ва масъулият керак!” –дея таъкидлади.

Суд жараёнларини ёритишда ахлоқий ва ҳуқуқий чегаралар, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ахборот олиш ҳуқуқи ва уларнинг мувозанати ҳақидаги муҳокамаларда Эрканда Бужари: “Журналист учун буни билиш ва англаш ҳаққи қанчалик муҳим бўлса, инсоннинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ҳам шунчалик устувор. Суд жараёнини ёритишда бу икки ҳуқуқ бир-бирига қарши эмас, балки мувозанатда юритилиши керак”, –деди.

Қизғин мусоҳаба ва мунозараларга бой бўлган семинарда, бугунги кунда ёш журналист ва блогерлар суд ҳақида ёзишганда, инсон тақдирига билиб-билмай, дахл қилишаётгани масаласи ҳам кўтарилди. Бу эса шахсга доир салбий оқибатлар келтириб чиқариши аён.

Олий суд матбуот хизмати раҳбари Азизжон Адиллов бу масалани қуйидагича ифодалади:

“Суд ҳақида ёзилган ҳар бир мақола, ҳар бир лавҳа — фақат янгилик эмас, балки кимнингдир тақдири. Шу сабабли, ёш журналистлар нафақат факт, балки инсон шайи, ҳуқуқи ва эҳтиромини ҳам инobatта олишни ўрганиши зарур”

Халқаро тажриба: очик судлар ва медиа ҳамкорлик

Хорижий мутахассислар Германия, Чехия ва Финляндия каби давлатларда суд жараёнларининг очиклиги, судлар ва журналистлар ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик тажрибаларини ўртоқлашишди. Айрим давлатларда судлар медиа учун махсус брифинглар ўтказиши, ҳал қилувчи ҳукмлар тилда соддалаштирилиб жамоатчиликка етказилиши ҳақида сўзлаб беришди.

Европа давлатларида суд жараёнларининг очиклиги, медиа билан ҳамкорлик механизмлари ва турли форматлардаги ҳуқуқий журналистика лойиҳалари ҳақидаги тажрибалар иштирокчиларга катта қизиқиш уйғотди.

Тинчлик, ҳолислик ва масъулият – суд журналистикасининг юрагида

Бугун ёшлар, нафақат, ахборот истеъмолчиси, балки унинг яратувчисига айланмоқда. Ҳуқуқий жараёнлар ҳақида тўғри, ҳолис ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда ёзиш — келажак журналистлари зиммасидаги муҳим вазифа.

Мазкур семинар мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири — очик судлов ва ҳолис ахборот муҳитини яратишга хизмат қилувчи амалиётларнинг янада такомиллашувига қаратилган қадамлардан бири бўлди.

Феруз Шаропов,
Бухоро вилояти суди ахборот хизмати раҳбари,
Лайло Ҳайитова.

ЭКОЛОГИЯ ИНСПЕКТОРЛАРИ “ТАБИАТ ҲИМОЯЧИСИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНИШДИ

Жорий йилнинг июль ойида Хоразмда саксовулфурушлар экология инспекторларини калтаклаб кетишгани ҳақида хабарлар тарқалганди.

Хабарга кўра, Пешку туманидаги “Сафрон” чўл массивида ўтказилган рейд давомида чўл саксовулини ҳимоя қилган экологик назорат инс-

пекцияси ходимлари зўравонларга дуч келишган ва калтакланишган.

Икки нафар инспектор - Нуриддин Муҳаммадов ҳамда



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

Охунжон Хусеновга оғир тан жароҳати етказган икки катта гуруҳдан иборат ҳуқуқбузарлар катта ва йирик Халқаро аҳамиятга эга “Ғузур-Бухоро-Нукус А-380” автомобиль йўли орқали қочишган. Айни пайтда ҳолат

юзасидан ҳуқуқ органлари томонидан суриштирув ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли буйруғи билан

инспекторларнинг жасоратли хатти-ҳаракати шарафланди. Улар “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони билан тақдирланишди.

- Бизни фахрлантирган инспекциясимиз ходимлари ўз хизмат вазифасини олиб бораётган пайтда ҳам руҳий, ҳам жисмоний босимга, зўравонликка қарамасдан, ҳеч бири воқеа жойини тарк этишмаган, яъни қочишмаган. Чўлнинг қоқ ўртасида салкам бири-биридан бир-биридан 500 метрдан 2 километрча узоқ масофада хизмат вазифасини ўтаётган 7 нафар ходим тонгга қадар бир-бирини ўта қийинчиликларда излашган. 2 нафар инспекторга оғир, жуда оғир тан жароҳати етказилган. Жонажон Ватанимизнинг она табиатини асраш йўлидаги фидоийликлари эъзоз ва қадр топди, –деди Бухоро вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Жамол Носиров уларга кўкрак нишонларини топширар экан.

НЕГА МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ АЙНАН ЕТАКЧИЛАРГА ИШОНАДИ?

“Ёшлар етакчилари TOP-100”

Ёшлар келажагимиз таянчи, деб бежиз айтилмаган. Айниқса, жойларда уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, фаоллигини рағбатлантириш орқали бутун жамиятда ижобий ўзгаришларга замин яратилади. Шундай ёшлар орасида юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган, маҳаллалардаги муаммоларга бефарқ бўлмаган ва тенгдошлари учун намуна ёшлар етакчилари бор.

Ҳар чорақда анъанавий равишда эълон қилинадиган “Ёшлар етакчилари TOP-100” рўйхатида 2025 йил II-чораги натижаларига кўра, Бухоро вилоятидан 6 нафар фаол ёш муносиб ўринни эгаллади. Уларнинг ҳар бири ўз маҳалласини ривожлантириш, ёшларни атрофига жалб этиш,

ташаббуслар орқали ижтимоий ҳаётни жонлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу эътироф – меҳнат, масъулият ва ишонч натижасидир. Нега маҳалладошлар айнан етакчиларга ишонади? Бу ҳақида 6 нафар етакчининг фикрини билишни истаб, уларга юзландик:



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

**Муроджон
Жўракулов,
Олот тумани
Қиртай маҳалласи:**



- Ёшлар билан ишлашда эҳтиёткор бўлишни ва айниқса, сўзларимни танлаб ишлатишга эътибор бераман. Чунки, бугун 15-20 ёшлилар ўртасида тез қизишиб кетадиган ва сабрни бироз четга суриб қўйганлар кўп учрайди. Шунинг учун аввал уларни тинглаб, кейин фикримни тушунтираман. Ёшларни эшита олаётганим уларнинг ишончига сабаб бўлган, деб биламан.

**Жуманазар Ибрагимов,
Қоровулбозор тумани,
Жарқоқ маҳалласи:**



- Етакчилик фаолиятимни ёшлар билан танишишдан бошлаганман. Уларнинг шахсий, оилавий ва таълимдаги муаммоларини ўргандим. Суҳбатни шу асосида давом эттириб, уларнинг кўнглига йўл олдим. Одам руҳиятига яқин ва қизиқишларига мос тарзда мулоқот қилинса, сирларини ҳам, каттаю кичик муаммоларига ечимни ҳам ишонган ҳолда сиз билан баҳам кўришади.

**Шаҳзод Ахтамов,
Бухоро тумани,
Кўчқўмар
маҳалласи:**



- Ёшлар билан ишлашда фақат семинар, йиғилиш билан чекланиб қолмадим. Улар билан бирга ниҳол экдим, спорт тадбирларини ўтказдим. Чунки, ёшлар гапдан кўра, ҳаракатга ишонади. Улар сизга эмас, ишингизга ишонишади. Шунчаки етакчи эмас, улар билан елкадош бўлиш керак.

**Аҳмаджон Жўраев,
Вобкент тумани,
Вобкент маҳалласи:**



- Мен фаолиятимни “Бир ёшни тўғри йўлга солдирсам, бир оиланинг келажаги ўзгаради” деган ўй билан бошлаганман. Қайси ёш билан суҳбатлашманг, орқасида бир тарих, бир дард ва бир умид ётади. Етакчи ўша умидни ўчирмаслиги керак. Шунинг учун мен ҳар бир ёш билан юзма-юз суҳбатлашаман, эшитаман ва ишонаман. Айни шу ишонч уларнинг юракларига куч, кўзларига нур беради.

Бухоронинг турли туманларида яшовчи бу ютуқ соҳиблари ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва самимий муносабати билан, нафақат, маҳаллалари, балки, бутун жамиятда ижобий ўзгаришлар қилишга хизмат қилмоқда. Ёшлар етакчилари ёшлар билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк, бўлажак келажак раҳбарлардир. Энг муҳими — улар жамият ишончини қозонган. Чунки, ҳақиқий етакчилик лавозим ёки мақом эмас, балки хизмат ва масъулиятдир.

Суҳбатдош: ЗулфиЗАР

**Шаҳноза
Содиқова,
Ғиждувон
тумани,
Вазиршоҳ
маҳалласи:**



- Уч йилдан буён маҳаллада ёшлар етакчисиман. Бу вақт мобайнида қанчадан-қанча ёшларга Ёшлар ишлари агентлиги қўмағида ёрдамлашишга, оғирини енгил қилишига эришдим. Киши ўз ишини яхши кўриб, чин дилдан меҳнат қилар экан, атрофидаги одамлардан ҳурмат кўраверади, муносабатлар яхшиланиб бораверади.

**Маъруф Тешаев, Шофиркон
туман, Котиён маҳалласи:**



- Мен фаолиятимни “бошқалар нима демоқда?” деган савол билан эмас, “мен нима қилсам, ёшларга фойда бўлади?” ёндашуви билан бошлаганман. Ёшлар ўзини керакисиз, деб ҳис қилганда, уларни фаолликка қайтариш осон эмас. Шунинг учун мен ҳар бир ёшни “ўз ҳаётининг қаҳрамони” деб кўришга ўргатдим. Уларнинг ютуғини — ўзимнинг ғалабамдек, муаммоси эса — ўзимнинг вазифамдек қабул қилдим.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirali Hamroyev
Mirshod Ochilov
Dilshod Yo'ldoshev
Jamol Nosirov

TAHRIIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 “Agrobank”
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Photo Express” XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 13.08.2025 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga бўлинг.